

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ОМИЛЛАРИ

Ҳамдамбек Абдурахмонович ЮЛЧИЕВ

мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: hamdamzonulciev@gmail.com

Аннотация

Мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада амалга оширилган ислохотлар натижасида енгил саноат корхоналарининг ташкил этилиши тарихи қонун ва қонуности ҳужжатлар асосида ўрганилади.

Таянч сўзлар: инвестиция, импорт, трикотаж, енгил саноат, тарих.

ИСТОРИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ПРОМЫШЛЕННОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРВЫЕ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

Ҳамдамбек Абдурахмонович ЮЛЬЧИЕВ

независимый исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

e-mail: hamdamzonulciev@gmail.com

Аннотация

В статье исследуется история создания предприятий легкой промышленности в результате реформ, проведенных в нашей республике в первые годы независимости, на основе законодательства и подзаконных актов.

Ключевые слова: инвестиция, импорт, трикотаж, легкой промышленность, история.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданок мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган енгил саноатни тубдан янгилаш, уни республика иқтисодиётидаги муҳим соҳалардан бирига айлантириш борасида самарали ишлар олиб борилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар, Ўзбекистон Республикасида мулкларнинг мавжуд шакллари мамлакат Конституцияси ҳамда “Мулкчилик тўғрисида”ги [3] ва “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги [2] Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдо ва умумий овқатланиш

корхона ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа қонун ости ҳужжатлари республикада мулкдорлар қатламини, иқтисодиётда эса кўп укладли иқтисодиётни шаклланишида муҳим воқелик, яъни асос бўлиб хизмат қилди. Натижада Ўзбекистон ўзининг ривожланиш моделини изчил амалга ошириб, собиқ иттифокдош республикаларга нисбатан қисқа муддатларда, яъни 1996 йилдаёқ иқтисодий пасайишнинг олдини олиб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлади ва иқтисодиётга таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ асосий иқтисодий масалаларни амалга оширишга киришди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов “Энг аввало иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган саноатнинг бутун негизини ривожлантириш, бой хом ашё, моддий ресурсларимиз асосида тайёр маҳсулот олишга қаратилган юксак технологик лойиҳаларни амалга ошириш – мамлакатларимиз олдида турган муҳим вазифадир”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди [6]. Шу сабабли, дастлабки йиллардан саноатлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилди. Бу макроиқтисодий вазият, бозор муносабатларини шакллантириш, таркибий ўзгаришлар тавсифи ва саноатлаштириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалга оширилди. Бунда биринчи босқич 1991–1995 йилларни ўз ичига олиб, мавжуд саноат салоҳиятини сақлаб қолиш чора-тадбирлари билан тавсифланди. Иккинчи босқич эса 1995–2000 йилларда муҳим саноат тармоқларини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш стратегиясини кенг миқёсда амалга ошириш, саноат тармоқларига инвестициялар оқимини кўпайтириш, хусусан, машинасозлик, енгил саноат, кимё ва озиқ-овқат тармоқларида капитал қўйилмаларни кўпайтириш билан характерланди. Учинчи босқичда (2000 йилдан кейин) импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш негизида экспортга йўналтирилган саноат соҳаларини барпо қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Айни пайтда миллий иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатдан мувозанатлашганлигини таъминлаш ва минтақавий номуносиблигини камайтириш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. 2001–2017 йилларда мақсадли ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида Тошкент шаҳрида (2000 йил билан таққослаганда 4,5 марта), Қорақалпоғистон Республикасида (3,6 марта), Жиззах (4,0 марта), Самарқанд (3,8 марта), Наманган (3,6 марта), Андижон (3,5 марта), Сурхондарё (3,4 марта) вилоятларида ЯИМнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Шунингдек, кузатилаётган даврда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида 109,5 фоиз, Жиззах вилоятида 108,6, Самарқанд вилоятида 108,3, Наманган вилоятида 107,9, Қорақалпоғистон Республикасида 107,8, Андижон вилоятида 107,7, Сурхондарё вилоятида 107,5 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатларидаги тафовутларнинг бир қатор объектив сабаблари ҳам бўлиб, бу бозор ислохотларининг дастлабки давридаги ҳудудий ривожланиш даражаси, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги, иқтисодий географик ривожланиши, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, инновацион салоҳияти ва бошқа кўпгина омиллар билан изоҳланади.

Маълумки, енгил саноат озиқ-овқат саноати билан бирга Ўзбекистон агросаноатининг учинчи гуруҳини ташкил этади. Пахтачилик ва пиллачилик негизида таркиб топиб, пахта тозалаш, тўқимачилик, трикотаж, пойабзал, кўнчилик, ипак ишлаб чиқариш енгил саноатнинг муҳим тармоқлари ҳисобланди. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида бу тармоққа ҳам алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 1991 йилгача республика енгил саноат корхоналари 973 мингдан ортиқроқ йиғириш урчуқларига эга бўлиб, дастлабки йилларда 90 минг тонна пахта толасини қайта ишловчи йиллик экспорт ҳажми 7,7 млн. АҚШ доллардан ортмаган тўқимачилик корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этиб, ишлаб чиқариш қувватларини техникавий қайта қуроллантириш ва модернизация қилишга

киришилди [5]. Туркия, Хитой, Япония, Италия, Швейцария, Америка, Франция, Англия ва Литва давлатлари билан тузилган қўшма корхоналарда пахта толасидан ип, шойи, трикотаж, велюр ва бошқа сифатли маҳсулотлар чиқариш йўлга қўйила бошланди [8].

1991 йилгача Ўзбекистон Республикасида фақат 4 та йирик тўқимачилик комбинатлари Бухоро, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятида бўлиб [5], вилоят туманларида уларнинг шаҳобчалари ҳам фаолият юритди. Ўзбекистонда енгил саноат тизимидаги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, бозор муносабатлари шароитида уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисидаги қонунни амалга ошириш ҳамда таъсисчи ташкилотларнинг таклифларини инобатга олиш мақсадида 1991 йил 6 майда Ўзбекистон ССР ҳукумати “Ўзбекистон ССР енгил саноат вазирлиги негизида Ўзбекистон Давлат енгил саноат моллари ишлаб чиқариш уюшмасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-302-сон Фармони қабул қилди. Ундан келиб чиқиб, республикада “Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги негизида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Ўзбекенгилсаноат” Давлат уюшмаси ташкил этилди [5].

Мазкур Фармонга мувофиқ “Ўзбекенгилсаноат” Давлат уюшмаси таркибига 72 та, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Ўзбектекстиль” таркибига эса 83 та, тикувчилик–трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган “Ўзбеккийим” таркибига 60 та бирлашма, корхона ва ташкилотлар бириктирилган [9].

Шунингдек, республика енгил саноат тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, компания таркибидаги мавжуд технология ускуналари билан жиҳозлаш ва замонавий корхоналар барпо этиш мақсадида 2005 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чоралари тўғрисида”ги 38-сонли қарори қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда компаниянинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгарган. Корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш, ишлаб чиқариш ва кадрлар танлаш билан боғлиқ ички ишларида аввалдан одат тусига кирган маъмурий усуллар тугатилди. Бугунги кунда компаниянинг устувор вазифаси ўз таркибига кирувчи корхоналарни келгусидаги ривожланиш стратегиясини аниқлаш, тармоқни барқарор ривожлантириш, янги турдаги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини техникавий қайта қуrolлантириш ва модернизациялаш, корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ташқи бозорга сотиш каби масалаларда кўмаклашишдан иборат. Корхоналар фаолияти ва ички ишларига давлатнинг аралашуви бартараф этилди.

2007 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибига 194 та хўжалик субъектлари киради: 48 та акциядорлик жамиятлари, 50 та қўшма корхоналар, 34 та масъулияти чекланган жамиятлар, 12 та хусусий корхоналар, 37 та чет эл корхоналари ва 15 та ташкилий тузилмадан иборат ташкилотлар шулар жумласидан [4].

Таъкидланган корхоналардан 94 тасида давлат корхоналари негизида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига мувофиқ бошқа турдаги мулкчиликка асосланган корхоналар барпо этилган.

“Ўзбекенгилсаноат” компанияси таркибига кирувчи корхоналарнинг умумий ҳажмдаги йиллик қуввати қуйидагича: пахта толасидан йигирилган калава ип – 300 минг тонна; ип газлама – 336,8 млн.кв.метр; гилам ва гилам маҳсулотлари – 2,0 млн.кв.метр; нотўқима матолар – 30 минг кв.метр; момиқ-10,7 минг тонна; трикотаж буюмлари – 170,0 млн.дона; пайпоқ буюмлари – 8,0 млн.дона ва ҳ.з. 1994 йилдан 2007 йилгача истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 27,8 млрд. сўмдан 138 млрд. сўмга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 30 млрд. сўмдан 635 млрд. сўмга кўпайган [4].

Ҳозирги кунда енгил саноат тармоғида республика саноатида банд бўлган аҳолининг қарийиб учдан бири мужассамланган, республикада ишлаб чиқариладиган умумий саноат маҳсулотлари таркибида компаниянинг улуши

20 фоиздан кўп, истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича эса 55 фоиздан ортиқ улушга эга.

Бугунги кунда республикадаги мавжуд енгил саноат корхоналарининг катта қисми “Ўзбекенгилсаноат” Давлат–акциядорлик компанияси таркибига кириб, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, ипакчилик, чиннисозлик, жун, нотўқима ва момиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 8 та тармокни ўз ичига олган. Халқимизни юқори сифатли енгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашдек савобли фаолият билан шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим йўналишлари юзасидан қилган маърузасида 2011 йил учун муҳим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган «2009–2012 йилларда вилоят саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2009 йил 5 октябрь 02-25-138-сон йиғилиш баёни билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ 2011 йил январь–март ойлари давомида 3 та ноозиқ-овқат ва 8 та озиқ-овқат лойиҳалари амалга оширилиши белгиланди, амалда 4 та ноозиқ-овқат (Қувасой шаҳридаги "Building Materials production and trading group" ҚҚда шифер, Тошлоқ туманидаги "Baxor Manzurabonu Lyuks" ХҚда трикотаж маҳсулотлари, маҳсул кийимлар, “Stasam Yang Plastiks” ҚҚда пластмасса уй-рўзғор буюмлари ва Қўқон шаҳридаги "Kokand Harkov Elkam Nasos" ҚҚда нефть ва газ саноати учун насос ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш) ва 12 та озиқ-овқат (4 та иссиқхона, 3 та паррандачилик ва 5 та бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш) лойиҳалари амалга оширилди. Бу лойиҳаларда 2,5 млрд. сўмлик ва 552 минг АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан 955 млн. сўми тижорат банклари кредитлари, 377 минг АҚШ доллари хорижий инвестициялар ҳамда 1,5 млрд сўмлик ва 175 минг АҚШ долларилик маблағлар лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан

молиялаштирилди. Лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 380 нафар янги иш ўринлари яратилди [10].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ўзбек енгил саноатини ривожлантириш тарихида ўзига хос йўл танланиб, унда собиқ савет давридан қолган корхоналар хусусийлаштирилди. Улар соҳасига қараб маълум бир бирлашмаларга бўйсундирилди. Бу эса корхоналарнинг замонавий қайта ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди. Енгил саноат корхоналарнинг ташкил етилиши тарихини ўрганар эканмиз бу соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга Республика иқтисодиётида муҳим ўринга эга эканлигини кўрамиз. Бу эса корхоналарнинг замонавий қайта ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Адолат, 2023.
2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 43-модда.
3. Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1990.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010.
5. Абдуллаев А.З., Юлчиев Ҳ.А. “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акцидорлик компаниясига инвестициялар жалб этиш //Тўқимачилик муамолари, 2008.
6. Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 238 б.
7. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 125 б.

8. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари
/И.А.Ҳамидов, А.М.Алимов. – Тошкент: Адабиёт, 2001. – 194 б.

9. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК жорий архив маълумотлари.

10. Фарғона вилояти ҳокимиятининг жорий архиви материаллари.

11. <https://lex.uz/docs/228798>.